



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
IJTIMOIIY FANLAR KAFEDRASI

ZAMONAVIIY METODOLOGIYA KONTEKSTIDA **ISLUM ILMIY-MADANIY VA FALSAFIY MEROSI**

Xalqaro ilmiy konferensiya
2022-yil 27-may



Navoiy – 2022

9. Fevzî, Hediyye, s. 32; Vassaf, Sefine-i Evliyâ, s. 341; Gündüz, Gümüşhânevî Ahmed Ziyâüddîn, s. 31-34.

10. Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий, таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.: Мовароуннахр; 2000й. -313 б.

11. Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёвуддин Ахмад ал-Кумушхонавий //“Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: “НавДПИ”, 2019. -Б. 8-9

12. Kılıç, Rüya, "Osmanlı Devletinde Yönetim-Nakşibendî ilişkilerine Farklı Bakış Halidi Sürgünleri", Tasavvuf Tasavvuf: İlmî ve Akademik Araştırma Dergisi, Sayı: 17, Sayfa: 103-119, Ankara, 2006.

АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ РУБОЙЛАРИДА ТАСАВВУФ МАҚОМЛАРИ ҲАҚИДА

О.Т.Шарипова - ф.ф.н.доц., БухДУ, Ўзбекистон

Annotation: This article reflects the philosophical analysis of rubai Abdukhalik Gijduvani, the founder of the Khojagan Sufi tariqa.

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳам бошқа тариқат шайхлари каби бадий ижод билан шуғулланган. Рубойлари орқали тариқат муридларини Ҳақ ва эзгулик йўлига даъват қилган. Рубойларида борлик, билиш, қадрият, тафаккур, одоб-ахлоқ масалалари ва бошқа фалсафий-ирфоний мавзулар ўз аксини топган. Шунингдек, ватапарварлик, умр мазмуни, ўтар умрда фақат яхшилик қилиш, умрнинг инсонга берилган “сармоя”эканлиги, ундан тўғри фойдаланиш лозимлиги, ёмон йўлларга кириб, “шайтоннинг макридан ғофил бўлмаслик”, ҳар қандай ҳолатда пок фазилятли бўлиш, “олами кабир” бўлмиш ҳазрати инсонни олий қадрият эканлигини таъкидлаганлар. Ирфоний характерга эга бўлган рубойлари орқали тасаввуфнинг ўзига хос мавзуларини фалсафий ифодалаган.

Бу рубойлар манбаларда айрим ҳолларда ҳар хил ифодалаганлигини ҳам учратдик. Лекин мантиқ бир хил.

Бизга маълумки, тасаввуфда солиқнинг комиллик даражасига етишишида бир қанча мақомлар, яъни бекатлар мавжуд. Биринчи мақом “бобул аввал”яъни эикларнинг эшиги ҳисобланган “**тавба**”дир. Хожаи Жаҳон тавбанинг биринчи ҳақиқати сифатида келтирилаётган шарт: аввало нотўғри ишлардан пушаймон бўлиш ва худонинг азимати, қаҳри ва ҳамиятидан, яъни иродасидан кўрқиб, кўзи гирён бўлишдир, дейди. Тангрининг қаҳридан ҳам кўрк, ҳам раҳматидан умидвор бўл, дейди. Бу борада ҳазрат Хожаи Жаҳоннинг қуйидаги рубойси мавжуддир:

Аз қаҳри Худо халоскори пеш ор,
Аз раҳмати ў умидвори пеш ор,
Пайваста миёни хавф мебош ва рижо,
Зинҳар ду тариқи ҳақ гузори пеш ор.³⁸

Мазмуни:

*Худонинг қаҳридан нажот излагил
Унинг раҳматидан умидвор бўлгин,
Қўрқув ва умидла яшагил мудом,
Шу икки йўл билан ҳақпараст бўлгин
Шу икки йўл орқали ҳаққа яқинлашиш имконига эга бўласан.*

³⁸ Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. – В. 186 а, б.

«Хавф»-қалбнинг ишончдан, иймондан чиқиши, иккиланиш таҳликасининг кўнгилга кўрқув солишидир. Солик азобдан эмас, балки макрдан, нафс макридан кўрқади. «Рижо»- умидворлик.

Қалбнинг келажакда Ҳақ васлига етишдан умидворлиги хавфдан қутилиш умиди.

Одам жисми-жасади қандай ўзаро пайванд, яхлит тизим бўлса, коинот ҳам бирига шундай боғлиқ бир тизимдир. Демак, биз ҳам коинот билан боғланганмиз. Демак биз гуноҳ қилсак, коинотнинг мувозанатини бузамиз. Йиғлаш натижасида одам организмидаги ёмон қувватлар чиқариб ташланади. Бу ёмон қувватлар одам танида ортиқча жисм ва рух ўртасидаги кураш натижасида вужудга келган бўлади. Бу моддийликка, яъни кўз ёшига айлантирилиб, чиқариб юборилади. «Кўзинг гирён бўлсин» деган иборанинг мазмуни шудир. Чунки Абдуҳолик Ғиждувоний: «Тавба қилувчининг жисми тарсон ва ларзон бўлади, кўзи гирён бўлиб, унинг хилъати (яъни кийими) Раҳмонинг юзи бўлади»³⁹, дейди. Солик жисмининг доимо кўрқувда бўлиши, тили ва дили, дили ва амаллари бир хил бўлиши, шайтон макридан эҳтиёт бўлишни таъкидлайди.

Демак, кўз йиғлаб, тозаланиб, софланиб унга Худо нур ва асл кўриш қувватини беради. Йиғлаш натижасида гуноҳлардан тозаланган кўз ҳамма нарсани кўрадиган бўлади. Тавбаи ҳақиқийнинг иккинчи ҳосиласи-кўрқувда бўлган қалбнинг хилъати бутун олам Худовандига имонда собитлик-мустаҳкамликдир. Яъни Худодан кўрқадиган юракнинг имони мустаҳкам бўлади. Имон - тил ва дилнинг бирлиги, юракда ҳеч қандай қарама-қаршилиқнинг бўлмаслиги, бинобарин юракнинг соғлом бўлишидир. Тавбаи ҳақиқийнинг учинчи ҳақиқати: «Тарсон ва ларзон, яъни титроқда бўлган жисмнинг хилъати-Тангридан раҳмат ва ғуфрондир»- дейилади, яъни бундай жисм раҳмат нурлари орқали тўла покланади. «Бу покланиш жуда юксак ва абадийдир. Чунки бу танада бутун табиат билан уйғунлик бўлади»⁴⁰. «Демак, шулар амалга ошганда, (кўз, қалб, жисм) покланганда кишининг ишлари яхши, яъни солиҳ бўлади. «Барча ибодатларнинг боши тавбадир. Шундан кейин барча ибодатларнинг сифати амалга ошади ва башорат бўлади»⁴¹ дейди Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний.

Тасаввуфдаги **муриднинг шайхга эҳтиёжи** ҳақидаги масалада Абдуҳолик Ғиждувоний муриднинг шайхга муҳтожлиги кўплиги, ҳеч мурид шайхсиз бу йўлдан боролмаслигини айтганлар. Бу ерда Мусо алайҳиссаломнинг камолоти даражалари юксаклигига қарамасдан 10 йил давомида Шуайб алайҳиссаломнинг хизматларини қилганликлари, шундагина Ҳақ билан сўзлашиш шарафига муяссар бўлганликлари ҳақидаги байт келтирилади:

Шубон ва адои имон гаҳе расад ба мурод,
Ки чанд сол ба жон хизмати Шуайб кунад⁴³

Таржимаси:

*Чўпон имонли бўлиб, муродига шу пайтда етадики
Агар неча йил Шуайбнинг хизматида бўлса.*

Бу ерда Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний Мусо алайҳиссалом ўзидан олдинги пайғамбардан таълим олганликлари, яъни Мусо чўпонлик қилиб Шуайбнинг хизматини қилганлиги, шундан сўнг чўпон имонли бўлиб, муродга етганлиги, Мусо каби пайғамбар ҳам устозга эҳтиёжманд эканлигига ишора қилади. Шундан кейин Мусо каби калимуллоҳ-яъни Аллоҳ билан бемалол гаплашадиган бўлади. Абдуҳолик Ғиждувоний муриднинг шайхга муҳтожлиги ҳақидаги фикрини қуйидаги рубойисида ҳам баён этади:

Ҳар чиз, ки аз шайхи ту содир гардад,
Инкор набояд зи ту зоҳир гардад,

³⁹ Ўша ерда.

⁴⁰ Абдуҳолик Ғиждувоний. Маслак ал – орифин. –В. 17 а.

⁴¹ Ўша ерда . –В. 176.

⁴³ Абдуҳолик Ғиждувоний. Маслак ал – орифин. –В. 24а.

Гурез андар бувад мухолифи шаръи он кор
Шояд, ки ба ин кор муборак гардад⁴⁴

Таржимаси:

*Сенинг шайхинг содир қилган ҳар нарсани,
Сенинг фаолиятингда уни рад этиш кўринмасин,
Ёмон хилоф ишлардан сен қоч,
Сенинг бу ишинг шоядки, Худога муборак тушса.*

Кейинги мақом **зикр** таълими тўғрисида бўлиб, бунда зикр, унинг моҳияти, хожагонларнинг дил зикрида эканликлари, дил зикрининг шартлари айтилади. Бу борада Хожаи Жаҳоннинг қуйидаги байти диққатга сазовордир:

Гар мо ба гарди домани марде намерасем,
Бошадки, гарди домани марде ба мо расид⁴⁶

Таржимаси:

*Агар бизлар ҳақиқий мард кишининг этаги чангига етолмасак ҳам,
Ҳақиқий мард-пок кишининг этагидан бирор гард бизга тегиши керак.*

Бу яхши киши билан суҳбатдош бўлишга даъват этишдир. Шайхнинг этаги чангига ҳам етолмасак, унинг ўзидан бирон бир чора бизга тегиши керак, дейилади.

Мўътабар шайх қатор рубоийларда инсон доимо **қалбини** ғайр, яъни ўзгалар меҳридан пок тутишини, Аллоҳнинг меҳридан бошқа нарсаларга жой қўймасликни, кўз билан зоҳирни кўрамиз, қалбда Тангри бўлиши керак дейди. Бу билан Ғиждувоний оламнинг аслини кўриш ва бунинг учун эса, Тангри яратган нарсаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга даъват этади. Дилнинг доимо зикрда бўлишини, ошиқларнинг бир бутунлигига сабаб, зикрдан эканлигини айтади. Хожаи Жаҳон доимо зикрда эканлигини «менинг нолам то тонг отгунчадир» дейдилар. «Агар Тангри сенга ўз нурини етказса, сенга яхшиликлар келади» деб қуйидаги байтни келтиради.

Агар нуре зи худ дар ту расонад,
Ту ро зи раҳмати худ варахонад⁴⁷

Таржимаси:

*Агар худо ўз нуридан сенга етказса,
Ўзининг раҳмати ила сени халос этади.*

Бу ерда, биринчидан, Тангрининг нурларнинг нури эканлигини, иккинчидан, У ўз раҳмати-яъни меҳрибонлиги, шафқатлилики нури билан сени ғамлардан, ҳамма ёмон нарсалардан озод этади, дейилади. Зикр ҳақида фикр юритар экан, ҳамма зикр қилса ҳам лекин ҳар хил тоифадаги кишилар бу зикрни ҳар хил амалга ошириши ҳақида ушбу рубоийни келтиради:

Зикре бе ихлос мунофикон аст,
Дигар таъзим бояд зикр – зикри мутобеон аст.
Дигар таъзим, хурмат боядки, зикр – зикри муридон аст.
Зикри бо ихлос, бо таъзим ва бо хурмат, зикри маҳбубон аст⁴⁸

Таржимаси:

*Ихлоссиз зикр қиладиганлар зикри - мунофиқлар зикридир.
Таъзим билан қилинган зикр-ибодат аҳли зикридир
Таъзим, хурмат билан бўлган зикр муридлар зикридир*

⁴⁴ Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал – орифин. –В. 190 б.

⁴⁶ Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал – орифин. –В. 24а.

⁴⁷ Абдухолиқ Ғиждувоний. Маслак ал – орифин В. 37а.

⁴⁸ Ўша ерда. –В. 37а.

Ихлос билан, таъзим ва ҳурмат билан бўлган зикр маҳбублар зикридир.

Бу ўринда Хожаи Жаҳон ихлоссиз зикр қиладиганларни, мунофиқлар зикри, таъзим билан қилинадиган зикр-ибодат аҳли, ҳам таъзим билан қилинадиган зикр-ибодат аҳли, ҳам таъзим, ҳам ҳурмат билан бўладиган зикр муридлар зикри эканлигини айтиб, ҳам ихлос, ҳам таъзим ва ҳам ҳурмат билан бўладиган маҳбублар зикрига алоҳида аҳамият беради.

Хонақоҳда ўтириш, **самоъни** тинглашни ҳам устоз Абдухолиқ Ғиждувоний ман этади. Самоъ-куй тинглиб, қўшиқ куйлаб Тангрини зикр этиш, шунингдек завқу шавққа берилиб баланд товуш билан зикр этишдир. Абдухолиқ Ғиждувоний ёзади:

Инкор макун самоъву мақбул мадор,
Илло зи касе, ки зиндадил бошад ёр
Гар нафси ту мурда нест, аз шуҳрату ор
Бо савму салот бошу дитар бигузор⁴⁹

Мазмуни:

*Самоъни инкор қилма, мақбул ҳам кўрма,
Қалби уйғоқ кишига самоъ раводир.
Гар нафсинг шуҳратдан ўлмаган бўлса,
Ўзгасин унут, рўза, намоз даводир.*

Иккинчи рубойиларида Ғиждувоний самоъга майл билдирмоқчи бўлганларга танбеҳ беради:

Эй сўфийи соф, ки кун майли самоъ,
Ҳосил зи самоъ, чун нифоқ асту низоъ.
Ё тарки самоъ кун, ки софий гарди,
Ё он ки ҳаёти дили худ кун видо⁵⁰

Мазмуни:

*Эй пок сўфий, гар самоъга интилсанг,
Ундан нифоқ-низо ҳосилдир, билсанг.
Ё самоъни тарк қилгилу, соф бўлгин,
Ё ҳаётинг бирлан алвидо қилгин.*

Тасаввуфдаги **шайхлик мартабалари** ва сифатлари ҳақида қуйидаги фикрлар аҳамиятга молик: солик учун-ҳақиқий йўлбошчига эргашмай чора йўқлиги, йўлни билувчи шайхсиз бу йўлдан юриб билмаслигига айтилади. Шу ўринда Тангри Хизр алайҳиссаломни шайх мақомида, Мусо алайҳиссаломни эса муридлик мақомида тутиб, уларга ладуний илмни берганлигини ёзади. Абдухолиқ Ғиждувоний Муҳаммад пайғамбар ҳадисларига мувофиқ мурид барча ҳолатда ҳам пирга муҳтождир, дейди.

«Маслак ал-орифин» асарининг 6 бобида шайхнинг йўл кўрсатувчи, у махсус хусусиятларга эга эканлиги ҳақида айтилади: "Шайх ўз саҳобалари орасида, худди пайғамбар ўз умматлари ўртасида бўлганидек" – деган Муҳаммад пайғамбарнинг сўзларини келтиради. Абдухолиқ Ғиждувоний шайхда ладуний илм бўлиши, унда Тангрининг зот ва сифатлари ҳақида етарли билим бўлиши кераклиги ва шунда ҳақ таълими ҳосил бўлиши ҳақида огоҳлантиради. Солик йўл бошида бўлганида юзини Ҳаққа томон қаратиши, қадамини шу йўлга қўйишга ва чин садоқат билан ўзини шайхга топшириши керак. Қалб кўзи орқали оламни кўриш шайхнинг сифати эканлигини қуйидаги рубойиси орқали ифодалайди:

Эй, дил, ту ба жонаш хон,
Бекому забонаш хон,
К- он Ёр на он ёр аст,

⁴⁹ Абдухолиқ Ғиждувоний.Васиятнома. –В. 195а.

⁵⁰ Ўша ерда. – В. 191 б.

Ки ўро бе даҳонаш хон⁵¹

Таржимаси:

Эй, дил, уни жон ила иста.

Тилсиз, уни забонсиз иста.

У ёр шундай бир ёрдирки,

Уни сўзсиз, даҳансиз иста.

Демак, бу ерда қалб ҳақида гап кетяпти, демак **руҳий қалб** билан ўқиш, бу-тилни, комни ишлатмай ўқишдир. Бу билан тасаввуф таълимотида руҳий оламни билишда моддий кўз, моддий тил, ақлинг ожизлиги кўрсатиляпти.

Абдуҳолик Гиждувоний рубоийлари инсонни маънавий – руҳий камолотга етказувчи маънавий хазина сифатида кадрлидир.

НАҚШБАНДЛИК ТАРИҚАТИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

**Тешаев Н.Н. - БухДУ “Миллий ғоя , маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси доценти, ф.ф.н.**

Abstract. In the following article the new approaches to the spiritual basics of the order of Naqshbandiyya is analysed from the viewpoint of the scholars of the Middle Ages. Also the levels of the reaching to the Almighty is considered as per views religious scholars.

Расули акрам Муҳаммад алайҳисалом ҳадиси шарифларидан бирида: “Уламо менинг ворисларим - меросхўрларимдир”, - деган эканлар.

Ҳаётбахш зиёсининг таъсири тоабат етадиган ҳазрат Боҳоуддин Нақшбанд, қуддуса сирруху, ана шундай Худо ёрлақанган алломалардан бири эди. У маънавий устози Абдулҳолик Гиждувоний ўғитларидан “Хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан” сўзларига амал қилди. Хожа Баҳоуддин аввалги даврларда ўтган хилватнишин, тарки дунёкилиб, хужрадан ҳеч қаёққа чикмай , фақат ибодат қилибгина ўтирувчи дарвеш қалардарлар йўлидан бормаган. Алишер Навоий шуни таъкидлаб ёзади: “Яна сўрдиларки: “Сизнинг тариқингиз биноти не ишгадур?” Хожа Баҳоуддин дедиларки: “Анжуманда хилват, зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидан ҳақ- субҳонаҳу ва таъоло била”¹⁸⁴. Яъни Нақшбандийлик тариқатининг асосий ақидалари хилватнишинликда, чиллаҳонада ўтириш эмас, балки хилват ва ҳаловатни анжуманда, дўстлар даврасида топиш; ҳақда ва ҳақиқатни излаб, нотаниш юртларда сарсон- саргардонликда юрмасдан, ўз ватани , юртининг шаҳру қишлоқларини зиёрат қилиш; зоҳирда одатдаги ишларда халқдан айрилмай, у билан ҳамнафас бўлиш, ботинда, яъни дилида ҳаммиша ҳақ таъоло билан яшаш керак. Нақшбандийлик тариқатида ҳам ясавия руҳидаги инсонпарвалик ғояси илгари сурилади, кибру ҳаво эса кескин қораланади. Нақшбандийлар ўзларининг айбларини сира яширмай, очик айтадилар, бу ҳам етмагандай, бошқаларнинг ҳам айблари, гуноҳларини ўз зиммаларига оладилар.

Нақшбандийлар яна ... “дер эрмишларки: бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат”. Яъни, солиҳлар “шуҳратда офат” борлигидан хилватда ўтириб, шуҳрат орттирмайдилар. Ва яна: “Хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатда. Бу шарт билаки бир-бирига нафи бўлунғай ва улча ул бузург буюрубдирларки... агар жамъи бу йўл солиҳлари бир-бири била суҳбат тутсалар, унда кўп хайру барокот...”¹⁸⁵.

Шу маънода сўфийлар, бўлғуси валийлар нодир инсонларнинг суҳбатида бўлишга жуда катта эътибор берганлар. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ўз асарларида ҳар бир валийни таърифлаганларида уларнинг замонасидаги қандай улуғ зотларнинг суҳбатига

⁵¹ Абдуҳолик Гиждувоний. Маслак ал – орифин. –В. 476.

¹⁸⁴Алишер Навоий Насоимул муҳаббат” Т.115-бет

¹⁸⁵Алишер Навоий “Насоимул муҳаббат” Т.132-бет

БУХОРО АМИРЛИГИДА НАСРОНИЙЛАРНИНГ ЭЪТИҚОД УЙЛАРИ ВА ЧЕРКОВЛАРИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН (XIX аср охирида XX бошлари) Ҳайитов Ш.А.-Бух ДУ, тарих фанлари доктори, профессор Файзиёва Ф.И.-Навоий ВХТХҚТМОХМ мустақил тадқиқотчи.....	87
АҲМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ БУЮК МУТАСАВВИФ М.Т.Гуламова, к.ф.н.доц.- Бухоро давлат тиббиёт институти.....	89
АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ РУБОИЙЛАРИДА ТАСАВВУФ МАҚОМЛАРИ ҲАҚИДА О.Т.Шарипова - ф.ф.н.доц., БухДУ, Ўзбекистон.....	92
НАҚШБАНДЛИК ТАРИҚАТИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ Тешаев Н.Н. - БухДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти, ф.ф.н.....	96
АҲМАД ЯССАВИЙ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ҚАДРИ ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ МУАММОСИ Саитқосимов А.ф.ф.д.проф.- ЖизДПИ Шамшиева В.- ЖизДПИ, тадқиқотчи.....	99
ИБН СИНО АСАРЛАРИНИНГ ЕВРОПА ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ МОҲИЯТИ Шамсутдинова Нигина– НавДПИ докторанти.....	101
МОВАРОУННАҲРДА ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁЙИЛИШИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ТАЪСИРИ Ходжиева Ф.О. п.ф.н.доц. - Эшонкулова Д.Х.-ўқитувчи, Ўзбекистон. НавДПИ.....	102
ISLOM SIVILIZATSIYASI HAQIDA Zaripov B. Nav DPI, f.f.n., dots. Po‘latova S. Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU, o‘qituvchi.....	106
ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ Ҳамдамов И.А.ф.ф.д.(PhD)., в.в.б. доц.-Самарқанд давлат чет тиллар институти.....	108
КОРАН В КОНТЕКСТЕ РУССКОГО ИСТОРИКО-ЛИТЕРАТУРНОГО ПРОЦЕССА XIX ВЕКА Рахманова Альбина Ходжаевна кандидат филологических наук, доцент, кафедра русского языка и литературы, Навоийский государственный педагогический институт, Узбекистан.....	110
JAHON TILSHUNOSLIGI RIVOJIDA SHARQ FAYLASUFLARI QARASHLARINING O‘RNI Nurmanov Furqat Ismoilovich- Navoiy davlat pedagogika instituti O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasida katta o‘qituvchi, f.f.n., dotsent.....	113